

Шерзоджон УМАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ўқитувчиси

СИРОЖИДДИН ЎШИЙНИНГ НАСАФЛИК УСТОЗЛАРИ

Ўрта асрларда Фарғона водийсидан ислом илмларининг барча соҳаларида кўплаб олимлар етишиб чиққан. Уларнинг машҳурларидан бири факих, муҳаддис ва мутакаллим, — дея эътироф этилган олим Сирожиддин Ўший Фарғонийдир. Ўшийнинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад¹ ёки Абулҳасан² Али ибн Усмон бўлиб, лақаби Сирожуддин³дир. Манбаларда Ўший⁴ нисбаси билан биргаликда Фарғоний⁵,

Таймий⁶, Шаҳидий⁷, Ҳанафий⁸ ва Мотуридий⁹ нисбалари билан тилга олинган.

Али ибн Усмон Ўшийнинг туғилган санаси билан боғлиқ маълумотлар учрамайди. Хожи Халифа “Кашф аз-зунун”да унинг милодий 1096–1106 йиллар оралиғида туғилганини тахмин қилган¹⁰. Фақиҳнинг вафот этган санаси сифатида 575/1179 йил¹¹ кўрсатилади¹². Аммо Хожи Халифа 575-ҳижрий санани кўрсатади.

¹ Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2-жилд. — Б.1200.

² Ali b. Sultân Muhammed el-Kârî, Dav“ü“l-me“âlî fi şerhi Bed“î“l-emâlî, s. 2, (Süleymaniye Ktp., Bağdatlı Vehbi, nr. 1791); Ahmed b. Ömer Abakandî, Şerhu Bed“î“l-Emâlî, vr. 2a, (Süleymaniye Ktp., Fatih, nr. 1791)

³ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Ал-Муштабих фи асмо ар-рижол. Лайден: 1881. — Б.17.; Абдулқодир ибн Муҳаммад Кураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафийя. Ар-Риёд: 1993. —Б.583.; Зайнулдин Қосим ибн Қутлуббўғо. Тож ат-тарожим фи табақот л-ҳанафийя. Дамашк: 1992. —Б.212.; Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2-жилд. — Б.1224.; Исмоил Пошо Бағдодий. Изох ал-макнун фи зайли ʼала Кашф аз-зунун. — Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2-жилд. —Б.483.

⁴ Заҳабий. Ал-Муштабих. — Б.17; Абдулқодир ибн Муҳаммад Кураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафийя. Ар-Риёд: 1993. — Б.583; Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2-жилд. — Б.1350.

⁵ Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2-жилд. —Б.1200; Али ибн Султон Муҳаммад Қорий Маккий. Асмар ал-жанийя фи асмо ал-ҳанафийя. Khuda Bakhsh Oriental Library. — Б.243; Исмоил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадийя ал-орифин. — Истанбул: 1951, 1-жилд. — Б.700; Юсуф Алён Сарқис. Муъжам ал-матбуот ал-арабийя ва ал-муърабба. — Қоҳира: 1932, 1-жилд. — Б.499.

⁶ Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2-жилд. — Б.1224; Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадийя ал-орифин. —Истанбул: 1951, 1-жилд. — Б.700; Хайридин Зириклий. Ал-Аълом: Қомусу тарожим ли ашҳар ар-рижол ва ан-нисо мин ал-аърабий ва ал-муърабин ва ал-муштарикин. —Байрут: 2002, 4-жилд. —Б.310.

⁷ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Ал-Муштабих фи асмо ар-рижол. — Б.17.

⁸ Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2-жилд. —Б.1350; Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадийя ал-орифин. —Истанбул: 1951, 1-жилд. —Б.700; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳабаший. Жомеъ аш-шуруҳ ва ал-ҳавоший. —Абу Даби: 2004, 1-жилд. — Б.439; Хайридин Зириклий. Ал-Аълом. 4-жил. —Б.310.

⁹ Юсуф Алён Сарқис. Муъжам ал-матбуот ал-арабийя ва ал-муърабба. — Қоҳира: 1932, 1-жилд. —Б.499; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳабаший. Жомеъ аш-шуруҳ ва ал-ҳавоший. —Абу Даби: 2004, 1-жилд. —Б.439.

¹⁰ Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2-жилд. — Б.1224.

¹¹ Хожи Халифа. Кашф аз-зунун. Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2-жилд. — Б.1350; Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадийя ал-орифин. — Истанбул: 1951, 1-жилд. — Б.700.

¹² Zharkynbai Sebetov, el-Fetâva“s-Sirâciyye Adlı Eseri Çerçevesinde Ali b. Osmân el-Üşî“nin Fıkıh İlmindeki Yeri, Marmara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, s. 5-6.

Бунга сабаб сифатида Фарғонада тарқалган ўлат касали айнан ҳижрий 575-йилга тўғри келишини таъкидлайди¹³.

Олим фикҳ илмида “Фатово ас-Сирожиййа”, “Шарҳ Мухталиф ар-ривоя” (Нажмуддин Насафийнинг “Мухталиф ар-ривоя”сига шарҳ), “Жавоҳир ал-аҳком фи ал-фикҳ” каби асарларни ёзиб қолдирган¹⁴. Бизнинг диёримизда алломанинг калом илмига бағишланган “Бадъ ал-амолий” асари машҳур. Мана бир неча асрлардан буён Мовароуннаҳр диёри ва ҳаттоки, ҳозирги кунимизда ҳам Ўзбекистон ҳудудида жойлашган мадрасаларда талабаларга ушбу асардан таълим берилмоқда. Сирожиддин Ўший ҳадис илмида ҳам бир қанча асарлар муаллифи ҳисобланади. Унинг ҳадис илмидаги бош асари “Ғулар ал-ахбор ва дулар ал-ашъор” бўлиб, муаллиф бу ҳақида “Нисоб ал-ахбор” номли бошқа бир ҳадис тўпламида айтади: “Ғулар ал-ахбор”даги мавзуларнинг кенгайиб кетгани боис уни мухтасар қилган ҳолда “Нисоб ал-ахбор”ни ёздим¹⁵.

Библиографик асарларда Сирожиддин Ўшийнинг устозлари борасида маълумотлар жуда кам учрайди. Аммо олим ўзининг “Нисоб ал-ахбор” асарида ҳадис илмидан ўзи таълим олган ўн беш нафар устозлари исмларини бирма-бир зикр қилган¹⁶. Ушбу асарда Ўший устозларидан қайси асарларни ўрганганини ҳам келтиради. “Нисоб ал-ахбор”да Ўший ўзи фойдаланган асарларга араб ҳарфлари асосида белгилар қўйиб чиққанини асарнинг муқаддимасида ёзиб қолдирган. Унга кўра, “ع” ҳарфи Муҳаммад Марвазийнинг “ал-Иқноъ” асарида, “ت” ҳарфи “ат-Танбиҳ” асарида, “ج” ҳарфи имом Термизийнинг “ал-Жомеъ” асарида, “ز” ҳарфи Зандавистийнинг “Равза ал-уламо” асарида, “س” ва “ص” ҳарфлари имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”ига, “ط” ҳарфи

Қози Тусийнинг “Табакот Қози Тусий”сига, “ن” ҳарфи “Уюн ал-масоил”ига, “ي” ҳарфи Абу Абдуллоҳнинг “Ғариб” асарида, “ف” ҳарфи “Фирдавс ал-ахбор”, “ل” ҳарфи “ал-Лувлуиёт”га, “م” ҳарфи Ўшийнинг ўзи таълиф этган “Муснаду Анас” асарида, “و” “ал-Воситийнинг “Матну ал-Воситий” асарида, “ك” ҳарфи “Канз ал-ахбор” асарида, “ي” ҳарфи эса Аҳмад ибн Абдуллоҳ Хаффоф Сарахсийнинг “Китоб ал-Йавокит”асарида ишора қилади.

Олим “Нисоб ал-ахбор” асарида устозлари қаторида Насаф диёридан етишиб чиққан фақиҳлардан Абу Собит Ҳасан ибн Али Паздавий (в.557/1161) ва Абул Қосим Маҳмуд ибн Али Насафийларни (в.555/1160)ларни санаб ўтади¹⁷. Ўший юқорида санаб ўтилган асарлардан Абу Абдуллоҳ Тоҳир Марвазийнинг (в.410/1019) “Уюн ал-мажолис” ва Абу Мутъи Макҳул Насафийнинг (в.218/833) “ал-Лувлуиёт” асарларини Абу Собит Паздавийдан, Абул Лайс Самарқандийнинг (в.373/983) “Танбех ал-ғофилин”, Шируйа ибн Шаҳрадор Дайлабийнинг (в.509/1115) “Фирдавс ал-ахбор би маъсур ал-хитоб” ва Муҳаммад ибн Бишровайх Балхийнинг “Канз ал-ахбор” асарларини эса Абул Қосим Маҳмуд ибн Али Насафийдан ўрганади¹⁸.

“Нисоб ал-ахбор”да Сирожиддин Ўший тартиб асосида Абул Қосим Насафийдан аввал Абу Собит Паздавийни санаб ўтади¹⁹. Эҳтимол, мазкур тартиб Паздавийдан кўпроқ таълим олганига ёки Паздавий унинг дастлабки устозларидан бири эканига ишора бўлиши мумкин. Бироқ юқоридаги маълумот бизга Ўшийнинг Абул Қосим Насафийдан учта нодир манбани ривоят қилганини кўрсатмоқда. Демак, Абу Собит Паздавий аллома Ўшийга Абул Қосим Насафийдан илгарироқ дарс берган, – дейиш ўринли.

¹³ Хожи халифа. Кашф аз-зунун. – Байрут, 1990. 2-жилд. –Б.1224.

¹⁴ Ал-Мавсуъа ал-фикҳийа. –Қувайт: Вақф ишлари ва-зирлиги, 1990, 20-жилд. – Б.367.

¹⁵ Сирожуддин Ўший. Нисоб ал-ахбор. –Қўлёзма. Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, №1504. –В.2а.

¹⁶ Ўша манба, – Б.2а, 2б.

¹⁷ Сирожуддин Ўший. Нисоб ал-ахбор. – Қўлёзма. Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, №1504. –В.3а

¹⁸ Ўша манба. – Б.2а, 3б, 4а; Toprak, Hadiste Derlemecilik, s. 148.

¹⁹ Сирожуддин Ўший. Нисоб ал-ахбор. – Қўлёзма. Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, №1504. –Б.3а

Аллома Ўшийнинг Насаф диёридан етишиб чиққан устозлари борасида тўхталадиган бўлсак, олим ўзининг икки насафлик устозларидан қаерда ва қанча муддат таълим олгани маълум эмас. Бунинг учун икки насафлик алломаларнинг ҳаёти ва ижодини ёритиш зарур.

Абу Собит Паздавийнинг шахсияти борасида маноқиб асарларида қарама-қаршиликлар мавжуд²⁰. Мансур ибн Ғулом Наҳлавий “Табақот руват ал-ҳадис би Хуросон фи ал-қорн ал-хомис” асарида ушбу қарама-қаршилиқни бартараф этган ҳолда, Самъоний “ал-Ансоб”да келтирган²¹ Абу Обид Паздавийнинг исмини аслида Абу Собит Ҳасан ибн Али ибн Муҳаммад Насафий Паздавий эканини зикр қилади ва бунга бир нечта далилларни бериб ўтади²². Абдулқодир Қураший келтирган маълумотга кўра, Абу Собит Паздавий Самарқандда туғилган. Отасининг вафотидан сўнг амакиси Қози Абул Юср уни Бухорога ўзи билан бирга олиб кетади ва уни ўз тарбиясига олади. Шу сабабли Паздавий Бухоро шайхлари қўлида етук олим бўлиб етишади ва бир муддат Марвда ҳам истиқомат қилади. Амакисининг ўғли Қози Абул Маъолий Аҳмад ибн Абул Юсрнинг вафотидан сўнг, Бухоро қозиси этиб сайланади ва бир қанча муддат ўтиб, Насаф яқинидаги Пазда қишлоғига кўчиб ўтади ҳамда вафотига қадар (в.557/1161) шу ерда истиқомат қилади²³. Абу Собит Паздавийдан аллома Ўший Абу Абдуллоҳ Тохир Марвазийнинг (в.410/1019) “Уюн ал-мажолис” ва Абу Мутъи Макҳул Насафийнинг (в.218/833) “ал-Луълуъиёт” асарларини таълим олган²⁴. Абу Собит

Паздавийнинг турли шаҳарларда истиқомат қилгани сабабли, Сирожиддин Ўшийнинг мазкур устозидан қаерда таҳсил олганини тахмин қилиш мушкул. Бироқ Паздавийнинг Самарқандда яшаган даврида илм таҳсили билан машғул бўлгани, Марвдаги фаолиятига доир маълумотларнинг учрамаслиги ва унинг Пазда қишлоғига умрининг охирларида кўчиб ўтганини инобатга олган ҳолда, Ўший устози Паздавийдан Бухорода таълим олганини хулоса қилиш мумкин.

Аллома Ўшийнинг насафлик устозларидан яна бири Абул Қосим Маҳмуд ибн Али Насафий ҳузурида Абул Лайс Самарқандийнинг (в.373/983) “Танбеҳ ал-ғофилин”, Шируйа ибн Шаҳрадор Дайламийнинг (в.509/1115) “Фирдавс ал-ахбор би маъсур ал-хитоб” ва Муҳаммад ибн Бишровайх Балхийнинг “Канз ал-ахбор” асарларини ўрганади²⁵. Самъоний “ал-Ансоб”да хабар беришича, Абул Қосим Насафий Самарқандда яшаган йирик муҳаддислардан бири бўлиб, ўз даврида Самарқанд аҳли ҳадис илмида унга мурожаат қилганлар²⁶. Мансур Наҳлавийнинг келтиришича, Абул Қосим Насафий узоқ муддат Самарқандда яшаб, шу ерда 555-ҳижрий сана Шаъбон ойида вафот этган²⁷. Мазкур маълумотга асосланган ҳолда Ўший устози Абул Қосим Насафий билан Самарқандда учрашгани тўғрисида хулоса қилиш ўринли.

Шунингдек, Ўший насафлик олимлар илмий меросига Нажмуддин Умар Насафийнинг “Мухталиф ар-ривоя” асарига шарҳ ёзиш орқали мурожаат қилган²⁸. Қувайт Вақф ишлари вазирлиги томонидан нашр этилган “ал-Мавсуъа ал-фикҳийа” тўпламининг 20-жилдида Сирожиддин Ўшийга тегишли асарлар рўйхатида Нажмуддин Насафийнинг

²⁰ Мансур ибн Ғулом ибн Абдусаттор Наҳлавий. Табақот руват ал-ҳадис би Хуросон фи ал-қорн ал-хомис. Макка: Жомеъа Умм ал-қуро, 2004, 1-жилд. – Б.435.

²¹ Абдулқарим Самъоний. Ал-Ансоб. 2-жилд. – Б. 123.

²² Мансур ибн Ғулом ибн Абдусаттор Наҳлавий. Табақот руват ал-ҳадис би Хуросон фи ал-қорн ал-хомис. Макка: Жомеъа Умм ал-қуро, 2004, 1-жилд. – Б.435.

²³ Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музййа. 2-жилд. – Б. 468.

²⁴ Сирожиддин Ўший. Нисоб ал-ахбор. – Қўлёзма. Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, №1504. – В.3а, 4а; Toprak, Hadiste Derlemecilik, s. 149.

²⁵ Ўша манба. – Б.2а, 3б, 4а; Toprak, Hadiste Derlemecilik, s. 148.

²⁶ Абдулқарим Самъоний. Ал-Ансоб. 2-жилд. – Б. 123.

²⁷ Мансур ибн Ғулом ибн Абдусаттор Наҳлавий. Табақот руват ал-ҳадис би Хуросон фи ал-қорн ал-хомис. Макка: Жомеъа Умм ал-қуро, 2004, 1-жилд. – Б.435

²⁸ Ал-Мавсуъа ал-фикҳийа. – Қувайт: Вақф ишлари вазирлиги, 1990, 20-жилд. – Б.367.

“ал-Манзума фи ал-хилоф” номли асарига ёзилган “Шарҳу Манзумати Умар Насафий фи ал-хилоф” асарини учратиш мумкин²⁹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Сирожуддин Ўший ҳадис илми таълими учун Ўш шаҳридан бошқа Насаф ҳамда Пазда шаҳарларига сафар уюштирган. Жумладан, Ўший ҳадис илмига оди машҳур бешта тўпламни насафлик алломалар ҳузурида ёддан таълим олгани олимнинг муҳаддис сифатида шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Қолаверса, “Нисоб ал-ахбор”да зикр этилган беш ҳадис тўпламининг муаллиф устозлари силсиласини санаб ўтиши Абу Собит Паздавий ҳамда Абул Қосим Насафийларнинг ҳадис

²⁹ Ўша манба, – Б.367.

илмида кимлардан таълим олгани тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади. Аллома Ўший “Нисоб ал-ахбор”да насафлик икки алломани ўз даврининг етук олимлари бўлган Носируддин ва Алоуддин Самарқандийлар ҳамда Заҳируддин Марғинонийлардан сўнг санаб ўтгани уларнинг ўз даврида Мовароуннаҳрда эътиборга эга олимлар бўлганларининг исботи дейиш мумкин³⁰. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўший фикҳ илмида Нажмуддин Насафийнинг “Мухталиф ар-ривоя” ва “ал-Манзума фи ал-хилоф” асарларига шарҳ битиши унинг насафлик алломалар илмий меросига қўп бора мурожаат қилганини кўрсатади.

³⁰ Сирожуддин Ўший. Нисоб ал-ахбор. –Қўлёзма. Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, №1504. –В.3а

РУХСАТ ЭТИЛГАН ҲАСАД

Ибн Умардан (розиаллоҳу анҳу). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ҳасад (ҳавас) фақат уч нарса борасида (яъни уч кишига ҳавас қилиш) жоиздир: Аллоҳ Қуръон (ўрганишни) эҳсон этганга, кечаю кундуз у билан (Қуръон билан) машғул бўлганга, Аллоҳ мол ато этган кимсанинг кечаю кундуз у молдан (Аллоҳ йўлида) сарфлаганига.

Касбнинг афзали ҳалол савдогарлик ва ўз қўли билан ишлаб, ризқ топишдир» (Имом Бухорий ривояти).